



НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ТУШУНЧАСИ, УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Тожимамадова Одинахон Шавкатжон кизи
Фарғона давлат университети
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19344430>

ARTICLE INFO

Received: 21st March 2026

Accepted: 25th March 2026

Published: 30th March 2026

KEYWORDS

номоддий маданий мерос,
урф-одат, маросим, маданият,
маънавият, баркамол авлод
тарбияси, мақом, катта ашула,
лазги, янги тараққиёт босқичи.

ABSTRACT

Мазкур мақолада “Номоддий маданий мерос” тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттирилиши атрофлича таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада номоддий маданий меросга киритилган “Мақом”, “Катта ашула”, “Лазги” санъатларининг ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киритилганлиги ҳақида маълумот берилади.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ/INTRODUCTION)

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнидаги моддий ўзгаришлар билан бир қаторда маънавий соҳада юз бераётган йўқотишлар кўп вақтдан буён дунё ҳамжамиятидаги илғор кишиларни ташвишга солиб келаётган бўлса-да, дунё миқёсида бундай йўқотишларнинг олдини олиш ва тегишли чоралар кўриш масаласига алоҳида эътибор ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Шулардан бири номоддий маданий меросдир.

Номоддий маданий меросни ўрганишда илмий билишнинг бошқа усуллари билан бирга аксиологик ёндашув ҳам катта аҳамият касб этади. Номоддий маданий меросда олам, ундаги нарса, воқеа, ҳодиса ва бошқалар қадриятларнинг инсон онгида акс этиши, қадриятни англашнинг реалликка мос келиш қонунлари, даража ва имкониятлари, унинг мезонларини аниқлаш нихоятда муҳимдир. Номоддий маданий меросга аксиологик ёндашилганида воқеа ва жараёнлар орасидаги ўзаро боғлиқлик, тарихий алоқадорлик, сабаб ва оқибат боғланишининг аҳамияти ортиб боради.

ADABIYOTLAR TANHILI VA METODLARI (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ /METHODS)

Маълумки, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) ўз даврида илм-фанга жуда катта эътибор қаратган, адабиёт, маданият ва санъат аҳлининг сарбони бўлган. Шу билан бирга Навоий ўзи ҳам мусиқий олим сифатида бир неча асарлар муаллифидир. Жумладан, Навоий ўзининг “Маҳбул-қулуб” асарида мутриб (ашулачи), муғанний (созанда)лар ижро услубларини таъсирчанлиги ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини жуда чиройли тарзда таҳлил қилади. Шу билан бирга най, ғижжак, танбур, чанг, уд, рубоб, кўбиз, қонун каби мусиқа чолғуларини фазилатларини таърифлаб беради. “Навоий туюқ чанги, туркий орзиворий, муҳаббатнома, мустаъзод каби халқ кўшиқларининг саккиз тури, уларнинг вазн хусусиятлари ҳақида маълумотлар беради”[1,26]. Навоий мусиқани ҳамда унинг ижтимоий таъсирини яхши тушунган.

Унинг фикрича яхши мусиқа халқ ва унинг ҳаётини изга солишда муҳим аҳамият касб этади. Навоий ўзининг қаҳрамонлари бўлган Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнунларнинг руҳий ҳолатини тасвирлар экан, асардаги ишқ ва гўзалликни мусиқа садоси ва қушлар қўшиғи билан қиёслайди. Навоий, ўз ижоди ҳақида сўзлаб, ўзини “янгроқ”, яъни мусиқий ғазалларида маъно ва ҳаяжон, қайғу ва ҳасратларни баён қилувчи куйчи деб атайди:

Э, Навоий ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким қон келур оғзингдин афғон айлагач[2,14].

Навоий асарларининг ғоят мусиқий бўлганлиги сабаби у ўз асарларида халқ қўшиқларидан унумли фойдалана олганлигидадир. Навоийнинг халқ орасида “Қаро кўзим”, “Келмади”(Муножот), номлари билан машҳур бўлган ва “Топмадим” радибли куйланадиган ғазалларидан ҳам билсак бўладики, шоир мусиқани, жумладан, мусиқа санъатни юксак даражада таҳлил қила олган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўз даврида мусиқа маданияти ҳақида қимматли маълумотларни беради. Бобур ижодида ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол ва ҳижрон мавзулари салмоқли ўрин тутаяди. Унинг ғазал ва рубоийларида, туюқ ва маснавийларида маъшуқанинг мафтункор гўзаллиги, беқиёс ҳусни латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси энгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади. У ўзининг “Бобурнома” ва “Хатти Бобурий” номли асарида мусиқа маданияти ва санъати тўғрисида жуда қимматли маълумотларни беради. Жумладан, асарда ўз даврининг мусиқа маданиятининг намоёндалари ва санъаткорлари бўлган “Қулмуҳаммад, Абдулло Марворидий, Хусан Удий, Дарвишбек, Юсуф ўтлоқи (Кўбиз), Ғулом Шоди, Шайх қули(ғижжак)лар Навоийнинг ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли шухрат топган”[3,26] ликлари ҳақида баён қилинади.

XVI аср шоирлари ва мусиқашунослари, шунингдек, мусиқа илмининг билимдонларидан яна бири Нажмиддин Кавкабий Бухорийдир. У “Фаробий, Сафиуддин Урмавий, Омулий, Абдуқодир Мароғий ва Хўжа Юсуф Бурхон Андижоний асарларига таянган ҳолда Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб, ўз назарий қарашларини замонасининг мусиқа амалиётига яқинлаштиришга интилган. Форс тилидаги “Рисолаи мусиқий”да илми мусиқий, ўн икки мақом тизимига оид назарий тушунчалар бериб, турли зарб-усулларнинг номма-ном келтириб таърифлаган, куйнинг амалиётидаги хиллари ҳақида маълумотлар беради”[4,373]. У ўз рисолаларида турли мусиқа асбоблари, куйлар мақомларнинг пайдо бўлиши ҳақида афсоналар, ғазаллар келтириб, Шарқ мусиқий эстетикаси анъаналарини давом эттирган. Унинг “Рисолаи мусиқий”си устоз анъаналарини Самарқанд ва бошқа шаҳарларда давом эттирган шоғирдлари Ҳожи Муҳаммад, Мавлоно Ризо Самарқандийлар учун мусиқали-поэтик қўлланма бўлган.

Номоддий маданий меросга киритилган “Аския” санъатини янада такомиллаштириш омиллари ҳақида гапирар эканмиз, бунда, Ҳаракатлар стратегияси 4-ижтимоий соҳани ривожлантириш бўлимида белгилаб қўйилган илм-фан, таълим-тарбия тизимини жорий қилишда, шунингдек, бешта муҳим ташаббуснинг биринчи йўналиши бўйича ёшларни маданият марказлари ва санъат муассасаларига кенг жалб этишда ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.07.2023 йилдаги ПҚ-222-сонли “Республикада миллий аския ва қизиқчилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек миллий аския санъати бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, маърифат жонқуяри бўлган ҳассос шоир Чўлпон ўзининг 1936 йилда “Гулистон” журналида еълон қилинган “Қизиқлар” мақоласида айнан ана шу масалага тўхталиб, вақт кутиб турмаслигини, машҳур қизиқларнинг ҳар бири халқ театрларининг намоён бўлиш шакли эканлигини алоҳида

уқтирган, тез орада улар халқ хотирасидан ўчиб кетиш хавфи остида еканидан огоҳлантирган еди.

Аския санъатини ўрганишга қизиқиш ва унга илмий жиҳатдан тадқиқ этиш 1960 йилдан бошланган. Шунгача Шариф Ризонинг 1940 йили “Гулистон” журналининг №4-сонида босилган “Халқ санъаткорлари” мақоласи билан А.Л.Троискаянинг “Ўзбекистон халқ театри” кўлёмасида аскияга бағишланган бир бўлимча ҳамда ўзбек сатираси муаммоларига бағишланган айрим мақолалар, шунингдек, 1960 йили нашр этилган Тўлқин Обидовнинг “Юсуфжон қизиқ” рисоласи бўлган.

Расул Муҳаммадиев Аския санъатини биринчилардан бўлиб, уни илмий асосда атрофлича ўрганган олимлардан биридир. Унинг изланишлари натижалари 1962 йили босилган “Аския” номли илмий ишида ва 1970 йили чоп этилган “Аския” тўпламида умумлаштирилади.

1962-1965 йилларда Фарғона водийси анъанавий театрини ўрганиш бўйича уюштирилган экспедициялар даврида олимлар қатори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мухсин Қодиров ҳам аскияни илмий тадқиқ этиш ва ёзиб олишга катта эътибор беради ва 1991 йилга келиб у ўзининг “Юсуфжон қизиқ” номли асарини ёзади.

Ўзбекистон халқ артисти, профессор Султонали Манноповнинг “Аския ва қизиқчилик санъати”[5], фалсафа фанлари доктори, профессор Абдумутал Қамбаровнинг “Аския санъати тарихи ва назарияси”[6] каби ўқув қўлланма ва дарсликлари ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган ўзбек миллий Аския санъатини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунга қадар катта ашула жанрининг қаерда ва қачон келиб чиққани ҳақида аниқ далиллар топилган эмас. Мутахассислар ва хонандаларнинг турли манбалардаги катта ашула ҳақидаги фикрлари мусиқашунос олим Рустам Абдуллаевнинг “Катта ашула жанри ва ижрочилари” деб номланган номзодлик диссертациясида келтирилган. Жумладан, шарқ мусиқашуноси Беляев “катта” деганда асарнинг сўзлари очиқ ва маънолари катталигига урғу беради, Успенский ва Қўқонлик ҳофизлар эса катта ашула “Самоъ” маъносига яқин бўлиб, шундай мусиқалардан келиб чиққанини таъкидлайди.

Катта ашула санъати маълум тарихий жараёнларни бошдан кечирган, халқнинг ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий эҳтиёжлари ўлароқ, ҳаётида ўз изини қолдириб келаётган бетакрор айтимлар сирасига мансуб. Маълумки, катта ашулалар ўзининг ижодий йўлларида икки услубда ижод этилиб келинган. Биринчиси мақом пардаларига мос ва муайян қоидалари асосида юзага келган катта ашулалар, яъни мусиқий тил билан айтганда мақом пардасида ижро этилган. Иккинчиси бастакорлар томонидан турли услубларга мослаштириб яратилган катта ашулалардир.

Дарҳақиқат, катта ашула жанри мусиқий меросимиз намуналари ичида алоҳида ўрин тутди. Бундай дейишимизга сабаб, жанр хусусиятидан келиб чиқиб, бу хонандалик санъати билан боғлиқ ва мусиқий соғинадиган мукамал жанрдир.

МУНОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ/DISCUSSION)

“Номоддий маданий мерос” тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар томонидан, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, номоддий маданий мерос деганда ҳозирги кунда ҳаётда мавжуд ва яшаб турган тирик мерос тушунилади. Бошқача айтганда, муқаддам мавжуд бўлган ва ҳозирда амалиётда қўлланилмайдиган мерос тушунимайди. Яна бир нарса муҳимки, инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги халқаро ҳуқуқий актлар билан мувофиқлаштирилган, турли ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва шахслар ўртасида ўзаро

хурматни йўлга қўйиш талабларига мос келадиган, барқарор тараққиёт талабларига мос тушувчи номоддий маданий меросгина тан олинади. Ана шундай номоддий маданий мерослардан бири мусиқа (катта ашула, мақом) санъатидир. “Мусақа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир” [7,344].

Масалан, катта ашула жанри мусиқий меросимиз намуналари ичида алоҳида ўрин тутади. Бундай дейишимизга сабаб, жанр хусусиятидан келиб чиқиб, бу хонандалик санъати билан боғлиқ ва мусиқий созларсиз ижро қилинадиган мукамал жанрдир. Катта ашула – Фарғона водийсига хос йирик ашула йўли, мустақил жанри, ўзига хос ижро услуби ва усули эга бўлган, халқимиз севиб тинглаган, асрлар оша ардоқлаб, сақлаб келинаётган санъатдир. У ўзига хос оҳанги, салобати билан бошқа мусиқий жанрлардан ажралиб туради. Катта ашула қадимий маросим ва меҳнат қўшиқлари, марсия, навҳа қўшиқлари ҳамда аруз вазнидаги ғазалларнинг қадимий ўқилиш услублари, айтим ижрочилик маданиятининг юксалиши заминида ўрта асрларда вужудга келган.

Шунингдек, Фарғона-Тошкент мақом йўллари – Ўзбекистонда мақомчилик санъатининг Фарғона водийсида XIX-XX асрларда кенг тарқалган ашула ва чолғу мақом йўллари бўлиб, Фарғона водийси мумтоз мусиқа меросида етакчи ўринларни эгаллайди. Шашмақом шўъба (сарахбор, савт, қашқарча, соқий нома, уфар)лари негизида ва маҳаллий ижрочилик анъаналари билан суғорилган.

Маънавий мерос эса – маънавий тараққиёт маҳсули, инсон ақл заковати билан яратилган, келажак авлодни эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган, кишиларнинг онги ва дунёқарашининг ўсиши, оламни билиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига куч-қувват берадиган ажодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятлар мажмуини ифодаладиган тушунча. Маънавий мерос ажодлар тажрибаси, қолдирилган маънавий бойликларнинг келгуси авлодларнинг амалий фаолияти, тафаккур тарзида қандай аҳамият касб этишига кўра, яқка шахс, алоҳида гуруҳ ёки муайян миллат вакилларига тегишли бўлиши мумкин.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси мамлакат тараққиётининг яқин ва ўрта муддатли стратегик йўналишларини белгилаб берувчи дастурий сиёсий-ижтимоий ҳужжатдир [8]. Унда иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат, Экологик барқарорлик, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими ва ташқи сиёсат масалалари билан бирга маданий ҳамда маънавий тараққиёт миллий ривожланишнинг устивор омилларидан бири сифатида илгари сурилади. Мурожаатнома мазмуни мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мустаҳкам маданий-маънавий пойдеворга таянаётганини, жамиятда барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва ижтимоий маъсулиятни шакллантиришда маданият ҳамда маънавиятнинг ҳал қилувчи ўрнини очиб беради.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ/RESULTS)

Номоддий маданий мерос кишилар онги, ички дунёси, тафаккур тарзи, хис-туйғуларига таъсир этиб, уларни бойитиш, ривожлантириш, янги ғоявий йўналишларга бошқариш маънавий мероснинг асл моҳиятини ифодалайди. Шунингдек, бугунги кунда номоддий маданий мероснинг одамлар ҳаёт тарзига чуқур таъсир этадиган қадрият сифатида аҳамияти тобора яққол намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, маънавий мерос бир вақтнинг ўзида миллат, давлат, минтақа ва бутун инсониятга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Ажодларимизнинг урф-одатлари, уларнинг энг яхши анъаналари, маънавий меросимизнинг қайта тикланиши ислохотларнинг муваффақиятга эришиши, мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омиллари эканини алоҳида таъкидлаш мумкин. Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий тадқиқот институти учун ушбу ҳужжат илмий изланишлар, амалий лойиҳалар ва давлат сиёсатини қўллаб-

қуватлашда мустақкам концептуал асос вазифасини бажаради. Устувор йўналишларни амалга ошириш жараёнида миллий маданий меросни асраш, уни замонавий ижтимоий ҳаётга мослаштириш ҳамда жаҳон маданий маконида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган илмий фаолиятни кучайтириш долзарб вазифа ҳисобланади. Олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, шунингдек, тадқиқотлар натижасида келгусида мазкур тизимдаги ва умуман, республикадаги соҳага оид мутасадди ходимларни қисқа курсларда ўқитиш имкониятини берувчи, олий ўқув юртларида алоҳида фан сифатида таҳсил бериш учун кенг илмий база яратилиши кўзда тутилган. Илм-фан ва маданият интеграцияси номоддий маданий меросни замонавий шароитда сақлаш, рақамлаштириш ва кенг жамоатчиликка етказиш учун янги имкониятлар очади.

Маданий идентификация нуқтаи назаридан ушбу ёндашув миллатнинг ўзини англаш жараёнида анъанавий қадриятлар, умумий тарихий хотира ва размларнинг ўрнини янада мустақкамлайди. Турли миллат, тил ва дин вакиллари бирлаштирувчи умумий ғоя сифатида Ватан манфаатларининг илгари сурилиши Ўзбекистонда кўп маданиятли жамият моделининг маънавий асосларини кучайтиради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифага айланди. Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли маънавий мерос нуқтаи назаридан тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимиз маънавий меросини қайта тиклаш, мустақкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварлик шулар жумласидандир.

Биз маданий мерос деганда аксарият ҳолларда моддий маданий меросни кўз олдимизга келтиришга ўрганганмиз. “Номоддий маданий мерос” тушунчаси ўрнида анъанавий равишда “халқ ижодиёти”ни тушуниб келганмиз. “Халқ ижодиёти” тушунчаси остида эса рақс, мусиқа, томоша санъати, миллий ҳунармандчилик ва халқ оғзаки ижодиёти назарда тутилган. Конвенцияга асосан “номоддий маданий мерос” тушунчаси “халқ ижодиёти”га қараганда кўпроқ нарсани қамраб олади.

Номоддий маданий мерос объектлари – тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар шулар жумласидандир.

2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши номоддий маданий меросни таҳлил қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Ўзбекистон номоддий маданий меросини асраш, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда унинг намуналарини аниқлаш, рўйхатларга киритиш, рақамлаштириш, тарғиб қилиш, сақлаш, номоддий маданий меросни доимий равишда ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрда “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, номоддий маданий мерос намуналарини тадқиқ этиш, хусусан, илмий-назарий негизлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини юртимиз олимлари ва хорижий мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиб, янги илмий тадқиқотлар яратиш вазифалари белгиланган.

“Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенция (2003 йил) талабларига мувофиқ, кўплаб халқларнинг маданий ранг-баранглиги ва анъаналарини ўзида акс эттирган қадрият ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритиб борилмоқда. Таъкидлаш керак,

репрезентатив рўйхатга киритилган Ўзбекистон элементларининг умумий сони 11 тага етди. Илгари бу рўйхатга “Бойсун маданий муҳити”, “Бахши”, “Лазги”, “Катта ашула”, “Палов”, “Аския”, “Миниатюра”, “Наврўз”, “Шошмақом” кабилар киритилган эди. Атлас ва адрас тайёрлашнинг анъанавий технологияларини сақлаш бўйича Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази Номоддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш бўйича етакчилар реестридан жой олган.

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ/CONCLUSION)

Ўзбекистон Республикасида номоддий маданий мерос муҳофазасини ташкил этишнинг назарий ва илмий методологик асосларини яратиш, мамлакатимиз ҳудудларидаги номоддий маданий мерос элементларининг миллий рўйхатини юритиш, ҳужжатлаштириш, муҳофаза ва назорат қилиш, таълимнинг барча турлари учун номоддий маданий мерос соҳаси бўйича таълим стандартлари ва фан дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий-услубий тавсияномалар, шу жумладан, аудио, видео ва электрон дарсликлар, онлайн дарслар ҳамда бошқа турдаги илмий-методик материалларни тайёрлаш каби вазифаларни инобатга олган ҳолда тегишли резолюция ишлаб чиқилган.

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади. Барҳаёт ва ўлмас мезонлар жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. –Б. 26
2. Ўзбек мусиқа тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи. 1981. –Б. 14
3. Маннопов С. Ўзбек мусиқа маданияти. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. –Б. 26
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2002. 4-том. –Б. 373
5. Маннопов С. Ўзбек халқининг Аския ва қизиқчилик санъати. –Фарғона: Фарғона нашриёти. 2020.
6. Қамбаров А.А. Аския санъати тарихи ва назарияси. –Фарғона: Фарғона нашриёти. 2023.
7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишларидан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: Ўзбекистон.НМИУ. 4-том. 2020. –Б. 344
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси.